

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI**

**O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYI**

**MUZEYLAR: AN‘ANA, NOVATSIYA VA  
RENOVATSIYA INTEGRATSIYASIDA**

**xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to‘plami**

**2023-yil 25-oktabr**

**TOSHKENT – 2023**

**Mas'ul muharrir:**

**Jannat Ismailova**, tarix fanlari doktori, professor

**Alisher Ismailov**, tarix fanlari doktori (DSc), katta ilmiy xodim

**Larisa Levteyeva**, tarix fanlari nomzodi, katta ilmiy xodim.

**To'plovchi va nashrga tayyorlovchilar:**

**Dilafro'z Karimova**, t.f.b. falsafa doktori (PhD), kat.i.x.

**Mansur Safayev**, kichik ilmiy xodim

**Taqrizchilar:**

**T.f.d., prof. B.V.Xasanov, t.f.n.X.Fayziyev**

**Mas'ul muharrirlar:** J.X.Ismailova, A.F.Ismailov, L.G.Levteyeva; O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi O'zbekiston tarixi davlat muzeyi. "Muzeylar: an'ana, novatsiya va renovatsiya integratsiyasida" nomli xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to'plami. –Toshkent, 2023-yil 25-oktabr. - 455 b.

To'plam O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziriligining 2023 - yil 2-maydagi 118-sonli buyrug'i hamda O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi O'zbekiston tarixi davlat muzeyi Ilmiy kengashining 2023-yil 11-maydagi majlisi qarori asosida tashkil etilgan.

To'plam tarixshunoslar, tadqiqotchilar va keng kitobxonlar ommasiga mo'ljallangan.

Mazkur to'plamdan O'zbekiston tarixi davlat muzeyida an'anaviy tarzda o'tkazib kelinayotgan «Muzeylar: an'ana, novatsiya va renovatsiya integratsiyasida» xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to'plamida muzeyshunoslik, tarix, arxeologiya, etnologiya hamda muzeylarda innovatsion texnologiyalarni jalb etishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar o'rin olgan.

To'plam tarkibidan o'rin olgan maqolalar mualliflarning ilmiy tadqiqot natijalari va shaxsiy ilmiy qarashlarini o'zida aks ettiradi.

**А. БОЛТАЕВ**

Бухоро давлат университети  
Археология ва Бухоро тарихи  
кафедраси доценти, т.ф.ф.д. (PhD)  
[azam.boltaev.2015@mail.ru](mailto:azam.boltaev.2015@mail.ru)  
(Ўзбекистон)

## БУХОРО ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАСИ САФАТИДА

**Аннотация:** Мазкур мақолада Бухоро ўлкашунослик музейининг шаклланиши ва унинг илмий-тадқиқот босқичлари, ҳукумат томонидан музей ишига қаратилган эътибор, музейда илмий тадқот ишини ташкил этишдаги муаммолар тадқиқ қилинган. Шунингдек, бир аср давомидаги Бухоро ўлкашунослик музейининг илмий фаолияти таҳлил қилинган. Музейнинг илмий фаолияти, мустақиллик йилларида илмий соҳада қилинган ишлар ва бу соҳага қаратилган эътибор ҳамда қилиниши керак бўлган ишлари тўғрисида маъумот берилган.

**Калит сўзлар:** Музей, ўлкашунослик, Средазкомстарис, Бухкомстарис, илмий ходим, тўплам, маданият, илмий кенгаш, докторантура, филиал, диссертация.

**Аннотация:** В данной статье исследуется становление Бухарского краеведческого музея и этапы его исследования, внимание к работе музея со стороны правительства, проблемы в организации научно-исследовательской работы в музее. Также была проанализирована научная деятельность Бухарского краеведческого музея, которая длилась на протяжении столетия. Описывается научная деятельность музея, работа, проделанная в научной сфере за годы независимости, и внимание, уделяемое этой области, а также работа, которую необходимо проделать.

**Ключевые слова:** Музей, краеведение, Средазкомстарис, Узкомстарис, исследователь, коллекция, культура, ученый совет, докторантура, филиал, диссертация.

**Abstract:** This article examines the formation of the Bukhara Museum of Local Lore and the stages of its research, attention to the work of the museum from the government, problems in the organization of research work in the museum. The scientific activity of the Bukhara Museum of Local Lore, which lasted for a century, was also analyzed. It describes the scientific activity of the museum, the work done in the scientific field over the years of independence, and the attention paid to this area, as well as the work that needs to be done.

**Keywords:** Museum, local history, Sredazkomstaris, Uzkomstaris, researcher, collection, culture, academic council, doctoral studies, branch, dissertation.

Ўлкашунослик музейлари миллатнинг маданиятини асраш, миллий ғояни тарғиб этиш, халқ онгида миллий ғурур ва кадриятларни кучайтиришда, истиқлол ғояларига содиқлик ҳиссиётини, демократия ва тараққиётга ишончни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Музейлар нафақат табиат ва жамиятнинг ноёб ҳамда хилма-хил ашёлари хазинаси, балки илмий-тадқиқот, маърифий-тарбиявий, ижтимоий алоқанинг муҳим ҳалқаси ва марказидир.

Бухорода биринчи музей очилганига яқинда 100 йил бўлди. Аниқроғи, 1922 йил 8 ноябрда ўлкада биринчи бор музей очилган[3. 33-36.]. Музей бешта хонадан иборат бўлиб, унинг атрофида театр, клуб, кутубхона жойлашган ва булар ҳаммаси биргаликда маданият масканини ташкил этган. Шу даврдан бошлаб Бухорода музей ва музейшунослик иши йўлга қўйилган ва бу то ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

Музей дастлаб Маориф нозирлигига, кейинчалик Средазкомстарис ва Бухкомстарисга ундан сўнг Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги ва мустақилликдан кейин Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига ҳамда ҳозирги кунда Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлига ўз ҳисоботларини топширади.

XX асрнинг 50-йиллардан бошлаб музей ходимларининг ўлкашунослик соҳаси билан шуғулланиши ва мактаблар билан ҳамкорликда тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга музей илмий ходимлари томонидан илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган. 1965 йилда музейнинг илк илмий тўплами «Илмий мақолалар тўплами» нашр этилди. Ушбу тўплам музейнинг биринчи илмий нашри ҳисобланади. 1966 йилдан Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг қарори билан бир қатор илмий ходимларни маҳорат ва малакасини ошириш мақсадида Москва, Ленинград, Болтиқбўйи республикалари, Тошкент ва Самарқанд музейларига юборилади[4. 35-38].

Архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, 1967-1969 йиллар оралиғида Бухоро ўлкашунослик музейида 40 га яқин илмий ходим ишлаган. Уларнинг кўплари илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган. Жумладан, фан номзодлари Хуан Дуке, Н. Юлдошева, Т. Шарипов, илмий ходимлардан М. Пўлатова, Х. Астонова, З. Ибрагимовалар эса номзодлик диссертацияси устида иш олиб боришган. Музей илмий ходимлари бир вақтнинг ўзида Қарши музейи ходимларига илмий-услубий ёрдам беришган ва кўргазма режасини тузиш ҳамда ашёларни тайёрлаш бўйича Чоржўй шаҳар музейи ходимларига ҳам ёрдам кўрсатишган[2.].

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, яъни директор А.А.Маҳмудов даврида, ўлкашунослик музейида ашёларга илмий паспорт ёзиш ишлари йўлга қўйилди ва ашёларнинг тавсиф қилиш, уларни ўрганиш бошланди. Энди музей тарихий ашёларни тўплайдиган муассасадан уни ўрганадиган ва таҳлил қиладиган йўналишда иш олиб борадиган бўлди.

1985 йил музей директори лавозимига Р.В. Альмеев тайинлангандан сўнг Бухоро музейининг илмий-маърифий фаолиятида қатор ўзгаришлар

содир бўлди. Совет Иттифоқи даврида Бухоро музейидан бошқа вилоят музейларига олиб кетилган буюмлар қайтарилди. Р.В. Альмеев ташаббуси билан музейнинг янги филиаллари ташкил этилди, айрим тарихий ёдгорликлар музейга айлантилди ҳамда кўплаб кўргазмалар янгиланди. Шунингдек, музей жамланмасини бойитиш мақсадида этнографик экспедициялар ташкил этилди [1. 16-17.].

Бу даврда музей илмий ходимлари томонидан тарғибот тадбирлари, учрашувлар, кўчма кўргазмалар ҳам ташкил қилинди. Музей илмий ходимлари Қ. Жумаев, Ғ. Қурбонов, М. Пўлатова, В. Пак, А. Ахмедов, А.Қобилов, Б. Қазоқов, Н. Ильясовалар томонидан «Советская Бухара», «Бухоро ҳақиқати» ва Тошкентдан чиқадиган «Правда Востока», «Совет Ўзбекистони» газеталарида ҳамда «Советский музей» журналида ўзларининг 20 дан ортиқ мақолаларини эълон қилишди [4. 26-28.].

Бухоро ўлкашунослик музейи илмий марказида XX аср 90 йилларига қадар бир қатор илмий ходимлардан Б.Қазоқов, Б.Х.Эргашев, Ғ. Қурбонов ва Ҳ.Тўраевлар тарих фанлари номзоди илмий даражасини ёқладилар ва музей илмий салоҳиятини юқорига кўтардилар.

Мустақилликдан кейин ҳам бу ишлар тўхтаб қолган эмас. Бу ишларини Р.В. Альмеев давом эттирди ва дастлаб фан нозоди диссертациясини кейинчалик докторлик диссертациясини шу муассасада фаолият олиб борган ҳолда ва Бухоро музейи тарихи ҳамда Ўзбекистонда музейшунослик соҳасининг ривожини мавзусида илмий ишини химоя қилди. Олимнинг барча ишлари ўлкашунослик музейи билан бевосита боғлиқ ва шу соҳага алоқадорлиги билан ҳам диққатни тортади. Шунингдек, узоқ йиллар музейда фаолият юритган М.И.Ниязова ҳам фан номзоди диссертациясини шу муассасадаги археологик ашёларни ўрганиш натижасида химоя қилди.

Мустақиллик йиллар Бухоро ўлкашунослик музейи ўзининг илмий тўпламини нашр эттирди. Бу тўплам 1990 йилдан «Из истории культурного наследия Бухары» номи остида узоқ йиллар давомида нашр этилди.

Ўзбекистонда музейларга эътибор мустақиллик даврида янада кучайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 14 мартда қабул қилинган «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда уларни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорлари музейлар тизимида катта ўзгаришлар ясаш, янгиларини ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 10-11-март кунлари Бухорога ташрифи чоғида Арк кўрғони мажмуасида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури тақдимоти билан танишган эди. Унда

янгидан барпо этиладиган Бухоро тарихи давлат музейи лойиҳаси ҳам намоиш этилди. 1,2 гектар майдонни ўз ичига оладиган янги музей курилишига бюджет маблағлари ҳисобидан 68,3 миллиард сўм сарфланиши мўлжалланган эди. Аммо, бу ишлар шундайлигича, лойиҳа ҳолида қилиб кетди. Бухорода янги музей ишга туширилганидан сўнг, Арк кўрғонида сақланаётган ноёб экспонатлар мазкур музейга кўчирилиши ва мазкур саёйи – ҳаракатлар эса ўз навбатида Арк кўрғонини асл кўринишини сақлаши ҳамда уни тиклаш ишларини жадаллаштирилишидан дарак берарди эди. [5. 87.].

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 975-сон қарори билан «Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей кўрикхонаси» номи «Бухоро давлат музей кўрикхонаси»га айлантирилди. Ҳозирги кунда музейнинг 17 та филиали ва 2 та доимий кўргазмаси фаолият юритмоқда. Аркнинг ўзида 4 та бўлим мавжуд бўлиб, музейнинг умумий сақловида 150 мингдан зиёд экспонат сақланмоқда.

Ҳозирги кунда Бухоро ўлкашунослик музейида илмий соҳа билан шуғунлланиш ишлари анча оқсамоқда. Музейшунослик ёки музей тарихи соҳасида музей илмий ходимларининг диссертацион ҳаракатлари деярли кузатилмаяпти. Бунинг асосий сабаби сифатида музей раҳбариятининг илмий соҳага қаратилаётган эътиборининг сустлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўрганишларимиз натижасида қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

1. Бухоро давлат музей кўрикхонаси ҳузурида ихтисослик илмий кенгаши тузиш ва илмий ходимларни илмий иш олиб боришларига ундаш зарур.

2. Музей илмий ходимларнинг илмий-тадқиқот олиб боришлари учун Музейшунослик ихтисослигидан таянч докторантура ва докторантура йўналишларида жой, ўрин олиш зарур.

3. Музей илмий ходимлари илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари учун муҳит яратиб бериш ва уларнинг маошини ошириш зарур.

4. Музей фонди учун алоҳида-алоҳида сақлов хоналари куриш зарур. Чунки ҳозирги кунда Бухоро ўлкашунослик музейи фондида уч-тўрт турдаги ашёлар бир жойда сақланмоқда. Бу уларнинг бир-бирига зарар етказиши учун шароит яратади.

5. Музей илмий ходимларига малакали доктор ва профессорларнинг маърузаларини ташкил этиш ва илмий тадқиқот ишлари олиб бориш тартибларини ўргатиш зарур.

6. Бухоро давлат музей кўрикхонаси ҳузурида илмий журнал ташкил этиш зарур. Яъни, илмий ходимларнинг тадқиқотларини, илмий хулосаларини нашр эттиришлари учун.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро давлат ўлкашунослик музейида сақланаётган ашёлар ва экспонатлар базаси жуда катта уни ўрганиш ва келажак авлодга қолдириш шу муассасада фаолият кўрсатаётган илмий ходимларнинг вазифасидир. Агар музей раҳбарияти ва ундан юқори турувчи

ташкilotлар томонидан бу соҳага эътибор қаратилса ҳамда моддий рағбатлантирилса албатта бунинг натижаси бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Альмеев Р.В. Бухара – город-музей. – Ташкент: Фан, 1999. – С. 16;
2. Бухоро давлат архиви. фонд 1175, рўйхат 1, китоб 1-298.
3. Болтаев А.Х. Бухоро ўлкашунослик музейининг шаклланиши ва дастлабки фаолияти // УзМу хабарлари. – Тошкент: 2017 йил. № 5. – Б.33-36.
4. Болтаев А.Х. Бухоро музейи- тарихий ўлкашунослик маркази сифатида. – Тошкент: «Наврўз» нашриёти, 2019. – 56 б.
5. Klichev O., Boltayev A. Buxoro muzeyshunosligi va arxivshunosligi. – Buxoro: Durdona, 2021. – B. 87.
6. Болтаев А.Х. Бухоро ўлкашунослиги тарихини ўрганишда С.Н. Юренев ёзишмаларининг ўрни // УзМу хабарлари. – Тошкент. 2018 йил. № 1. – Б. 5-9.
7. Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хоса халқ амалий санъати музейи // Мозийдан садо. – Тошкент: 2003.- №1. – Б.26.
8. Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Тошкент: Санъат, 2010. – 154 б.

## MUNDARIJA

<b>BIRINCHI SHO'BA: MUZEYLARDA ILMY TADQIQOTCHILIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHNING RENOVATSION ASOSLARI</b> .....	5
<b>Ж. Х. ИСМАЙЛОВА. ПРЕИМУЩЕСТВА ВИРТУАЛЬНЫХ МУЗЕЕВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СОХРАННОСТИ ДУХОВНЫХ ЦЕННОСТЕЙ</b> .....	5
<b>A. ISMAILOV. JAHONDA FAN MUZEYLARI TADRIJI VA AHAMIYATI</b> .....	12
<b>M. MOHAMED. THE POLICY OF COLLECTIONS MANAGEMENT AND USE OF OBJECT ID STANDER FOR SAMARKAND MUSEUMS</b> .....	17
<b>M. MUHAMMEDOVA., M.UROKBOYEVA. IMPLEMENTATION OF THE «MUSEUM SHOP» IN MUSEUMS OF UZBEKISTAN: EXPERIENCE</b> .....	23
<b>A. БОЛТАЕВ. БУХОРО ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАСИ САФАТИДА</b> .....	30
<b>SH.X.GANIYEVA. ZAMONAVIY TA'LIM MAKONIDA MUZEY PEDAGOGIKASI RIVOJLANISHI</b> .....	35
<b>III. ЮСУПОВА. ЎЗБЕК ПОРТРЕТ РАНГТАСВИРИ РИВОЖЛАНИШИГА ХИССА ҚЎШГАН РАССОМЛАР ИЖОДИ</b> .....	40
<b>D. ISMAILOVA. MUZEY PEDAGOGIKASINING AHAMIYATI VA TUTGAN O'RNI</b> .....	45
<b>I. IBODOV. MUZEY MA'RIFIY-TARBIYAVIY MASKAN SIFATIDA</b> .....	52
<b>D. MATYAKUBOV. МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИ САЊАТИ</b> .....	56
<b>S. QAYUMOV. MUZEYDA SAQLANAYOTGAN SAN'AT ASARLARINI TA'MIRLASH VA SAQLASH TUSHUNCHALARI</b> .....	62
<b>A. БЕКЕНОВА. СОВРЕМЕННЫЙ МУЗЕЙ КАК ПРОСТРАНСТВО ТОЛЕРАНТНОСТИ</b> .....	70
<b>IKKINCHI SHO'BA: TARIXIY MADANIY MEROSNI MUZEYLASHTIRISH JARAYONLARI: AUTENTLIK, NOMODDIY VA MODDIY MEROS TALQINIDA</b> .....	76
<b>A. ЗИЯЕВ. РАННЕЕ СРЕДНЕВЕКОВЫЕ ПАМЯТНИКИ ЗОДЧЕСТВА ТАШКЕНТА</b> .....	76
<b>D. NORMURODOV., U. ISMOILOV. BO'KA TUMANIDA SAQLANAYOTGAN NOYOV SOPOL IDISHLAR HAQIDA</b> .....	85
<b>O. ДОСПАНОВ. СОПОСТАВЛЕНИЕ АРХЕОЛОГИЧЕСКОГО МАТЕРИАЛА В СИНТЕЗЕ С ЭТНОГРАФИЧЕСКИМИ МОТИВАМИ В ЭКСПОНИРОВАНИИ ВЫСТАВОК МУЗЕЕВ</b> .....	89
<b>A.A. МУСАКАЕВА. О ДЕНЕЖНО-ВЕСОВЫХ СТАНДАРТАХ СОГДА НА НАЧАЛЬНОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ ТОВАРНО-ДЕНЕЖНЫХ ОТНОШЕНИЙ</b> .....	93
<b>D. КАРИМОВА. СЎНГГИ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИНИНГ НАҚШИНКОР СОПОЛ МАДАНИЯТИ</b> .....	100
<b>L. ЛЕВТЕЕВА. АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ О ТКАЦКОМ РЕМЕСЛЕ В УЗБЕКИСТАНЕ</b> .....	106
<b>A. МАММАДОВА. О МОНЕТАХ САМАНИДОВ, НАЙДЕННЫХ В МАСАЛЛИНСКОМ РАЙОНЕ АЗЕРБАЙДЖАНА</b> .....	111
<b>D. КУРЯЗОВА. МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ</b> .....	117
<b>T.НОРКОБИЛОВ. БРОНЗОВАЯ ЧЕРНИЛЬНИЦА XII-XIII ВВ. ИЗ СОБРАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА АН РУЗ</b> .....	124
<b>Ж. АХМЕДОВ., З. АБДУМУРОДОВА. ТЕРМИЗ ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ ТАРИХИГА ДОИР</b> .....	130
<b>P. ХАТАМОВА. ТОШКЕНТНИНГ МАДАНИЙ ВА МАЊНАВИЙ ХАЁТИДА МАДРАСАЛАРНИНГ ЎРНИ</b> .....	134